

Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2026 йил
17 апрел,
жума
№ 15
(1101)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ Қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевга 16 апрель кун Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, резерв ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш юзасидан ахборот берилди.

Аввало, армиянинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини мустаҳкамлаш, шахсий таркибга янги тизим асосида таълим бериш ва касбга тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берилди.

Хусусан, жанговар шайлик йўналишида қўшинларда мажмуавий стратегик ва қўмондонлик штаб ўқувлари, йигин, дала чиқишлари ва ўқув курслари тизимли равишда ўтказиб келинаётгани, бунда шахсий таркибда ахлоқий-руҳий, реал жанговар вазиятларда қўрқув ва эмоцияларни бошқариш ҳамда дадил ҳаракатлана олиш каби муҳим жанговар сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Замонавий жанговар ҳаракатлар таҳлиладан келиб чиқиб, барча ўқув, тренинг ҳамда машгулотларда жанг олиб боришнинг янги усул ва шакллари ўзлаштирилаётгани, бўлинмаларнинг мобиллигини, жанговар имкониятларини ва қўйилган вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилатгани юзасидан ахборот берилди.

Ҳар йили мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куну умумхалқ байрами сифатида нишонланиши юртимизда тинчликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш, бугун орамизда соғ-омон яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларига гамхўрлик кўрсатишнинг ёрқин амалий ифодасидир.

Жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофотини тўлаш тақлиф қилинди.

Шунингдек, бу кунда уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, кексалар ва устозларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг турар жойларини ободонлаштириш, турли хотира ва қадрлаш тадбирларини ташкил этиш режалаштирилган. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ватан фидойиларининг хотираси ҳам улуғланади. Уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Она Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг мардлиги ва жасоратини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилади. Мамлакатимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” шиори остида маданий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, ижодий кечалар, танловлар ва омма-

вий спорт мусобақалари ташкил этилади.

Тақдимотда резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, дунёда юз бераётган ҳарбий можаролар таҳлили уруш давридаги сафарбарлик эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тинчлик даврида ҳарбий тайёргарликка эга бўлган офицерлар захирасини шакллантириш ва уларни мутахассисликлар бўйича тўғри тақсимлаш долзарб вазифа эканини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда 4 та олий таълим ва 2 та олий ҳарбий таълим муассасасининг ҳарбий тайёргарлик ўқув марказлари ва факультетларида 42 та мутахассислик бўйича резерв ва захирадаги офицерлар тайёрланмоқда. Бунга қўшимча равишда Урганч, Термиз, Андижон давлат университетлари, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Андижон давлат тиббиёт институтида яна 5 та ҳарбий тайёргарлик ўқув марказини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Шунингдек, давлат олий таълим муассасаларида қўшимча равишда “Ҳақиқатчи ҳарбий таълим” йўналиши бўйича 3 йиллик бакалаврият таълими асосида резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Ҳарбий тиббиёт институтида эса, илк бор клиник ординатура ва магистратурага қабул қилинган ҳамда ҳарбий тайёргарликдан ўтиш истагини билдирган талабалар

тўлов-контракт асосида ўқитилади. Бундай имконият нодавлат олий таълим муассасалари талабалари учун ҳам яратилади.

Бугунги кунда долзарб бўлган сунъий интеллект, дрон, робототехника каби замонавий ва тор мутахассисликлар бўйича ҳам захира офицерлари тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари учун илғор хорижий армиялар тажрибаси асосида янги ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилади.


Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил 13 январь кун Президентимиз, Қуrolли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони раислигида ўтказилган Ҳавфсизлик кенгаши йиғилишида мазкур масала устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги офицерларига хизмат йиллари учун тўланадиган ҳар ойлик устама миқдори икки бараварга ошириш, контракт бўйича хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик пул таъминотини 10 фоизга кўпайтириш тақлиф қилинди.

Президентимиз тақлифларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижроси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузи ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади ҳамда тегишли ҳужжатларни имзолади.

ЎЗА

Мамлакатимизда пул муомаласи билан боғлиқ киберхавфсизликка оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва рақамлаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Янги қонун:
тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг масъулиятини янада оширишга қаратилган

Бугунги кунда банк карталарига эга мижозлар сони 21 миллиондан ошиб, муомалага чиқарилган банк карталарининг сони 68 миллионга етди. Виза карталарининг сони эса, 9 миллионни ташкил этади.

Сўнгги пайтларда банк карталаридан ғаразли ниятда фойдаланган ҳолда ўғирлик ва фирибгарлик жинояти содир этиш ҳолатлари ҳам кўпайиши кузатилмоқда.

Биргина 2025 йилда банкларнинг мобил иловаларидан 1 минг 467 ҳолатда қарийб 32 миллиард сўмлик, тўлов ташкилотлари мобил иловаларидан эса, 1 минг 397 ҳолатда 29,9 миллиард сўмлик ўғирлик ва фирибгар-



Қобилжон ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

лик ҳолатлари содир этилган.

(Давоми 3-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида соҳа ва тармоқларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид, жумладан, Судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга, уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Парламент фаолияти

КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА
Дастлаб депутатлар коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.
Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

(Давоми 2-бетда) ►

Хонқа туманидаги “Гулгунча” маҳалласида яшайдиган Қувондиқ Раззоқовнинг хурмача қилиқларини кўпчилик яхши биларди.

Жиноят ва жазо

Ичкилик касри фожиа билан яқун топди

Айниқса, 2015 йилда қотиллик ва ўғирлик қилмишини содир этганидан сўнг унинг номи отнинг қашқасидек, ҳаммага таниш бўлиб қолганди. Албатта, жиноят

(Давоми 2-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

Инсон манфаатлари устуворлиги Конституциявий суд ислохотларининг бош мақсади

Ҳозирги глобаллашув ва жадал ислохотлар шароитида ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиёти, аввало, қонун устуворлиги ва адолатли суд тизимининг самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Маълумки, бу жараёнда Конституциявий суд ўта муҳим ўрин тутди. Конститу-



туциявий суд қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш орқали жамиятда ҳуқуқий барқарорлик ва адолат таъминини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боис ушбу институт фақат назорат органи сифатида эмас, балки ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим устуни сифатида намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Суд амалиёти

Чет эл суди қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш институти

иқтисодий судлар томонидан самарали қўлланилмоқда

Иқтисодий суд ишларини юритиш вазифалари — соҳада корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қўмақлашиш, қонунга ва судга нисбатан ҳурматда бўлиш муносабатини шакллантиришдан иборат. Иқтисодий процессуал кодекс талаблари шуларни тақозо этади.

Иқтисодий судларга тааллуқли иш тоифалари турли хилдир. Жумладан, чет давлатлар судлари ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш




тўғрисидаги аризалар бўйича иш юритиш ўзига хос хусусиятларга эга.

Иқтисодий судларда бундай тоифадаги ишлар нисбатан кам кўрилатган бўлса-да, улар мураккаб тоифадаги иш ҳисобланади. Чунки ушбу ишларни қўришда нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам мурожаат қилиш лозим бўлади.

(Давоми 2-бетда) ►

Инсон ҳавосиз, сувсиз, оч ҳолда яшай олмаганидек, қонун устувор бўлмаган жойда ҳам тинч ва беҳавотир умр кечиролмайди.

Қонун қўмағи



Гап қонун устуворлиги ҳақида кетар экан, иккита масъулият чекланган жамият ўртасида узоқ давом этган тортишувдан сўнг суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқат юз очгани, адолат қа-

роп топгани, низога барҳам берилгани тўғрисидаги ҳаётий мисолни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

(Давоми 3-бетда) ►



Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Уруш ташвиши биринчи бўлиб қариндошларимиз ичида амманнинг бошларига тушди. Катта ўғиллари Аҳмад ака фронтга жўнади. Узун равонларида иккита

қизи — Ҳакима ва Шарифа билан, хотинлари Назира келиноийм билан, амман бўлиб қариндошларимиз ичида амманнинг бошларига тушди. Катта ўғиллари Аҳмад ака фронтга жўнади. Узун равонларида иккита

(Давоми 4-бетда) ►

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу сабабли, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банклари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида замонавий тизимлар, хусусан, антифрод тизимлари ҳамда биометрик идентификация тизимлари ва бошқа химоя механизмларини ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Бу борада Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун маъқуллангани муҳим аҳамият касб этади.

Янги қонун билан “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунга “антифрод тизими” ва “виртуал тўлов терминали” каби янги тушунчалар киритилмоқда.

Айтиш керакки, “Антифрод тизими” – ҳисобварақ (банк картаси, электрон ҳамён) эгасининг маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишнинг олдини олишга қаратилган жараёнлар йиғиндиси.

“Виртуал тўлов терминали” – тўлов терминалининг электрон шакли бўлиб, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга онлайн тарзда тўловларни қабул қилиш имкониятини берувчи дастурий таъминот ҳисобланади.

Янги қонунга асосан, ахборот технологияларини қўллаган ҳолда ва ушбу янги қонунда белгиланган тартибда тўлов тизими оператори билан шартнома асосида тўловларга доир маълумот алмашилувида бевосита иштирок этувчи банклар, «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти ҳамда клиринг фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

ва муҳим тўлов ташкилотлари тўлов тизимининг иштирокчилари этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, янги қонун билан тўлов тизимлари ва тўлов ташкилотлари тегишинча, муҳим ҳамда бошқа тўлов тизимлари ва ташкилотларига тоифаланмоқда. Шу мақсадда тўлов тизимининг ишлаш таъминлаш бўйича фаолият турлари белгиланиб, тўлов

молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, ахборот хавфсизлигини ва ўз инфратузилмасининг узлуксиз ишлаш таъминлаш ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимини жорий этиш каби вазифалар юклатилмоқда.



ташкилотлари ва уларнинг юридик мақоми белгиланган алоҳида норма киритилмоқда.

Тўлов ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган, банк ҳисобланмайдиган акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши ва ўз фаолиятини миллий қонунчиликка ҳамда ўзига берилган лицензия шартларига мувофиқ амалга ошириши назарда тутилмоқда

Бундан ташқари тўлов ташкилотларига антифрод тизимини жорий этиш, ички назорат қоидаларининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни

Янги қонун билан тўлов тизимининг оператори ва унинг вазифалари ҳам белгиланмоқда. Хусусан, ҳудудда тўлов тизимининг ишлаш таъминлаш бўйича фаолиятни юридик шахс сифатида тўлов тизимининг оператори амалга ошириши қайд этилмоқда.

Қонунда тўлов тизими операторининг ва тўлов ташкилотининг устав фондида қўйиладиган талаблар, яъни:

— тўлов тизими оператори устав фондининг энг кам миқдори эллик миллиард сўми ва тўлов ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори йигирма миллиард сўми ташкил этиши кераклиги;

— устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маб-

лағлардан, мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинганлиги борасида шубҳа пайдо бўлган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги;


— тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия бериш тўғрисидаги ариза бериладиган кунгача шакллантирилган ва банк ҳисобварағида сақланаётган бўлиши зарурлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, янги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва (ёки) норезиденти бўлган юридик ва жисмоний шахслар тўлов тизими оператори ёки тўлов ташкилоти муассислари бўлиши мумкин. Бундан ташқари халқаро молия институтлари, чет эл банклари ҳамда чет эл тўлов тизими операторлари, тўлов ташкилотлари ва кредит ташкилотлари ҳисобланмайдиган норезидент юридик шахсларнинг ҳамда жисмоний шахсларнинг тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти устав фондидаги жами улуши эллик фоизгача бўлиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Банклар томонидан тўлов тизими оператори фаолияти бошланганлиги ҳақида хабардор қилиш ва банклар тўғрисидаги маълумотларни Тўлов тизимлари операторларининг реестридан чиқариш тартиблари жорий қилинмоқда.

Шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунга ҳам тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятига оид қўшимчалар киритилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад — замон талаблари асосида тўлов хизматлари бозорини тартибга солиш, молиявий хавф-хатарларни камайтириш ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоялашга эришишдан иборатдир.



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Даъвогар – “Боғ кўчатлари” (юридик номлар ва исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамда жавобгар – “Обод бунёдкор” масъулияти чекланган жамиятлари ўртасида шартномада назарда тутилган қарздорлик юзасидан келишмовчилик келиб чиқади. Бунинг сабаби “Боғ кўчатлари” масъулияти чекланган жамияти шартномага кўра, “Обод бунёдкор” тузилмасига турли даража кўчатлари ва манзарали буталар етказиб берган. Бироқ жавабгар тўловни тўлиқ амалга оширмаган.

Тўғри, қарзни тўлаб бериш юзасидан даъвогар жавобгарга талабнома билан мурожаат қилган. Аммо ҳамкор масъулияти чекланган жамият томонидан талабнома эътиборсиз қолдирилган. Шу боис, “Боғ кўчатлари” масъулияти чекланган жамият судга мурожаат қилиб, 845 миллион 440 сўм қарздорликни жавобгардан ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили, адвокат С.Мирёкубов даъво талабини қувватлаб, суддан даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни сўради. Жавобгар вакили С.Қобилов эса, даъво талабига эътироз билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, даъвогар томонидан дарахт кўчатлари етказиб берилган. Аммо дарахтлар ўз вақтида парвариш қилинмаганлиги сабабли уларнинг айримлари куриб қолган.

Куриб қолган дарахт кўчатлари ўрнига “Ш.Ш.Ш.” масъулияти чекланган жамиятдан кўшимча кўчатлар сотиб олинган ва ўтказилган. Қисқаси, жавобгар вакили аслида даъвогарнинг ўзи жавобгар олдидан қарздор эканлигини айтиб, даъво аризасини рад қилишни сўради.

Бинобарин, тарафлар ўртасида 2023 йил 5 октябрда шартнома тузилган. Унга кўра, “Боғ кўчатлари” масъулияти чекланган жамият 1 миллиард 793 миллион 203 минг 31 сўмлик дарахт кўчати ва манзарали буталар етказиб бериш, “Обод бунёдкор” масъулияти чекланган жамият эса, ушбу товарларни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 2.2-бандида сотиб олинган товар учун тўлов миқдори 100 фоизни ташкил қилиши, 2.3-бандида эса, тўлов нақд пулсиз шаклда, пул кўчириш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Суд даъвогар ва жавобгар вакилларининг тушунтиришлари ҳамда иш ҳужжатларидан келиб чиқиб, даъво аризасини қисман қаноатлантириш лозим, деган тўхтамга келди.

Бунинг сабаби шундаки, даъвогар жавобгарга 1 миллиард 802 миллион 895 минг 997 сўмлик кўчат ва манзарали буталар етказиб берган. Буюртмачи “Обод бунёдкор” масъулияти чекланган жамият уларни қабул қилиб олган ва товарлар учун 1 миллиард 600 миллион 66 минг 816 сўм пул кўчириб берган. Натижада 202 миллион 899 минг 181 сўмлик қарздорлик келиб чиққан.

Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, жавобгар олинган товарлар ҳақини тўла тўламаган. Шу сабабли, суд даъво талабининг шу қисмини асосли ҳисоблаб, жавобгардан ундиришни,

даъвонинг қолган 642 миллион 111 минг 259 сўм қисми асосид бўлган учун қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Судда жавобгар вакили эътироз билдириб, даъвогар етказиб берган кўчатлар ўз вақтида парвариш қилинмаганлиги оқибатида уларнинг айримлари куриб қолганлиги, дарахтларни парваришлаш даъвогарнинг мажбурияти эканлиги, бундан ташқари куриб қолган кўчатлар ўрнига “Ш.Ш.Ш.” масъулияти чекланган жамиятдан кўшимча кўчатлар сотиб олгани, аслида, даъвогарнинг ўзи жавобгар олдидан қарздорлигини вақт келтирди.

Суд ушбу вақтлар билан келишиб бўлмайди, деган ҳулосага келди. Тўғри, шартноманинг 5.8-бандида етказиб берилган, ўтказилган дарахт ва гул кўчатлари бир йил давомида ўз кўринишини йўқотса ёки куриб қолса, етказиб берувчи томонидан қопланиши кўрсатилган. Лекин шартномада экилган дарахтларни парвариш қилиш сотувчининг мажбурияти эканлиги назарда тутилмаган.

Қолаверса, масаланинг яна бир жиҳати ҳам бор. Аниқроқ айтганда, “Боғ кўчатлари” масъулияти чекланган жамият томонидан дарахт ва гул кўчатларининг охириги жавобгар тарафга 2025 йилнинг 8 апрель куни етказиб берилган. Орадан бир йил ўтиб кетган бўлса-да, жавобгар дарахт кўчатларининг айримлари куриб қолганлигини айтиб, уларнинг қийматини қоплаб бериш ҳақида даъвогарга оғзаки ёки ёзма мурожаат қилмаган. Бу билан жавобгар сотиб олинган ва экилган дарахтларнинг келгусида униб ўсиши бўйича юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар таваккалчилигини ўз зиммасига олган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддаси талабига биноан, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтириётган ҳолатларни исботлаши керак. Жавобгар тараф “Ш.Ш.Ш.” масъулияти чекланган жамиятдан кўшимча равишда дарахт ва гул кўчатлари сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этса-да, уларнинг айнан қайси қуриган дарахтлар ўрнига экилганлигини асосли далиллар билан исботлаш имконидан маҳрум.

Шундай қилиб, суд шартнома қонунчилиги талабларига асосланиб, даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилди. “Обод бунёдкор” масъулияти чекланган жамият ҳисобидан “Боғ кўчатлари” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 202 миллион 889 минг 181 сўм қарздорлик, 4 миллион 57 минг 783 сўм давлат бож ва 37 минг 500 сўм почта харажати ундирилди.

Иқтисодий муносабатларда шартнома шартларига қатъий риоя этиш ва мажбуриятларни ўз вақтида бажариш муҳим аҳамиятга эга. Суд томонидан иш ҳолатларига ҳар томонлама ҳуқуқий баҳо берилиб, тарафларнинг далиллар асосида адолатли қарор қабул қилинди. Натижада қонун устуворлиги таъминланиб, ҳақиқат қарор топди ҳамда низога ҳуқуқий ечим берилди.

Ислом ҲАМРОҚУЛОВ, Самарқанд туманлараро иқтисодий суди раиси

Масалан, Қарши шаҳридаги Қўрғонча маҳалласида яшовчи Искандар Ҳазратқулов, унинг хотини Зулфия Тўраева ва ўғли Фурқат Ҳазратқулов билан келини Зулхумор Маллаева ўртасида жанжал келиб чиқади. Натижада улар келинга тан жароҳати етказишади. Бунга чидолмаган З.Маллаева эса, эри Ф.Ҳазратқуловни шаъни ҳамда қадр-қимматини қасддан камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилади.

Суд тиббий экспертизаси хулосасига кўра, З.Маллаева соғлигининг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келмаган энгил тан жароҳати олгани қайд этилган. Фурқат Ҳазратқулов бу қилмиши билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-моддаси 2-қисмида, Искандар Ҳазратқулов ва Зулфия Тўраева эса, ушбу кодекснинг 52-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган. Ўз навбатида, келин бўлимиш З.Маллаевани ҳам тўлиқ айбисиз деб бўлмади, аниқроғи, у ўз хат-



ти-ҳаракати билан кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган.

Шаҳарнинг Нефтчи маҳалласида истиқомат қилувчи Жасур Суяров ҳам тилига эҳтиёт бўлмагани боис юз-шувит бўлиб қолди. Гап шундаки, Ж.Суяров 2026 йил 10 февраль куни кечкурун маст аҳволда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун Қарликбобот кўчасида жойлашган савдо дўконига киради.

Бинобарин, дўкон сотувчиси Ш.Усмонова унга олган маҳсулотлари нархини ҳисоблаб беради. Аммо айтилган пул маст аҳволдаги Ж.Суяровга қимматдек туюлади. Шунинг учун у сотувчи аёлдан қайта ҳисоблашни талаб қилади. Аммо Ш.Усмонова электрон ҳисоблаш машинасида қайта ҳисоблагач ҳам, у “қиммат ҳисобладин” деб бақириб, сотувчининг шаъни ҳамда қадр-қимматини қасддан камситувчи ноҳўя сўзлар билан

ҳақорат қилади. Унинг ҳақоратли сўзлари ва қилиқларига тоқат қилолмаган аёл дарҳол худуд профилактика инспекторига мурожаат қилади. Оқибатда Ж.Суяровга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Албатта, ҳар икки ҳуқуқбузарлик жиноят ишлари бўлиши ҳамда Қарши шаҳар судида кўриб чиқилди. Суд томонидан Ф.Ҳазратқулов ва Ж.Су-

яровга маъмурий қamoқ жазоси, қайнона-қайнота ҳамда келинга эса, жарима жазоси тайинланди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз Бош Қомусининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиб, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан химоя қилинади” деб, 60-моддасида “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” дея қайд этилган. Шундай экан, тилга эрк бериш фақат ва фақат ташвиш келтиришини унутмаслик керак.

Сардор БОЗОРОВ, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди тергов судьяси

касри

фожиа билан яқун топди

Қ.Раззоқов тергов ва судлов жараёнида Жиноят кодексининг 97-моддасининг оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирishга оид 2-қисми “ж, р” бандлари, 169-моддасининг хавфли рецидив кирдикорларга доир 3-қисми “а” банди ва маъмурий назорат қоидаларини бузишга тааллуқли 226-моддаси 1-қисми бўйича қўйилган айбга қисман иқдорлик билдирди. Буни қарангки, судда у рўй берган қилмишга ҳамтовоғи, марҳум И.Ҳайитова тўқнаш пайида бўлди. Фуқаро М.Қурбоновнинг автомашинасидаги пулларни ҳам И.Ҳайитов ўғирлагани, ўз уйидаги фожиа ҳам унинг бежо ҳаракати боис ўз берганини таъкидлади.



Аммо ҳаётдан бевақт кўз юмган И.Ҳайитовнинг танига тўмтоқ ва ўткир қиррали жисм билан жами 48 марта жароҳат етказилгани эса, бу мудҳиш қотиллик Қ.Раззоқов томонидан қасд-

дан ва қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилгани, бунда айбланувчининг ўзига деярли шикаст етмагани ҳаммасини тўлиқ исботлади. Ўзининг салкам 50 йиллик умри мобайнида ўта оғир саналган қотиллик жиноятига 2 марта қўл урган шахсни ким деб аташ жоиз?! Суд мажлиси жараёнида бу саволга ҳам жавоб топилди. Бу кимса қасддан одам ўлдирish жиноятини муқаддам ҳам содир этгани, аввалги қилмиши бўйича судланганлик ҳолати тугалланмай туриб, такрорий жиноятга қасддан қўл

ургани, уни мастлик ҳолатида амалга оширгани, шу аснода ўғирлик кўчасига киргани ва бошқа талай кирдикорликларнинг бошида тургани — буларнинг бари рецидив тоифасидаги ўта хавфли ҳаракат эканини кўрсатади.

Шунга кўра, Қ.Раззоқовга жазо Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “ж, р”, 169-моддаси 3-қисми “а” бандлари, 226-модданинг 1-қисми талаблари доирасида тайинланди. Судланувчига ҳар учала моддада белгиланган жазоларни бир-бирига қисман қўшган ҳолда жами 20 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Айни пайтда Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисмига асосан, “ўта хавфли рецидивист” деб топилди. Жазони маҳсус тартибли колонияларда ўтатиш белгиланди.

Жабрланувчи тарафларга Қ.Раззоқов томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тартиби тушунтирилди.

Албатта, суднинг ушбу ҳукмини адолат ва қонунийлик мезони сифатида эътироф этсақ, ўринли бўлади. Бироқ қонун доирасида тайинланган бу жазодан айбланувчи норози бўлиб, жазони

енгиллатишни сўради. Аммо ўта оғир жиноят содир этган шахсга энгилроқ жазо жоизмикин? Йўқ, жоиз эмас. Қўлмиш юки, қонун талаби мурувватга ҳам, бағрикенглик ва кеңиримлиликка ҳам изн бермайди. Вилоят судининг жиноят ишлари бўйича тафтиш босқичи ҳам шундай ҳулосага келди. Ҳукм ўз кучида қолдирилди.

Айни пайтда муқаддам оғир ва ўта оғир тарздаги жиноий фаолияти боис элга отнинг қашқасидай маълум бўлиб қолган бу кимсанинг хурматга қилиқлари кунли келганида яна қайталанишини у яшаган жойда ҳеч ким хаёлига келтирмагани ҳам равшан торти. Ҳолбуки, маҳалла жамоатчилиги, ҳуқуқ қосбонлари оғоҳ бўлганида, эҳтимол, бу мудҳиш жиноят рўй бермасди.

Демак, ҳушёр ва оғоҳлик сусайган муҳитда юқорида баён этилгани сингари фожиялар содир бўлмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ойбек МАҲМУДОВ, жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси **Абдулла СОБИРОВ,** “Куч – адолатда” муҳбири

